

1.МАЪРУЗА МАТНИ

20-мавзу : Бюджетлараро муносабатлар

1. Бюджет тизими бўғинлари ўртасида бюджетлараро муносабатларнинг зарурлиги, аҳамияти ва бу борадаги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.
2. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни ташкил этишнинг ташкилий-хуқуқий асослари.
3. Бюджетлараро муносабатлар тизимида солиқларни бюджет тизими механизми .

1. Бюджет тизими бўғинлари ўртасида бюджетлараро муносабатларнинг зарурлиги, аҳамияти ва бу борадаги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

Бозор шароитида иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишнинг монетар, пул-кредит, инвестицион, валютавий дастак ва воситалари, бюджет-солиқ сиёсати инструментлари, аҳоли бандлигини таъминлаш усуллари умумий эътироф этилган усуллар бўлиб, улар энг аввало мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолатни барқарорлаширишга қаратилган. Бу усул-воситалардан фойдаланишдаги ўзига хослик ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда у ёки бу мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳолат билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида юкорида санаб ўтилган дастак ва воситалардан, мамлакат миллий иқтисодиётининг хусусиятлари, анъаналар, таркиб топган ижтимоий манфаатлар устунлиги, қадриятлар тизимининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган холда фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, давлат бюджетининг шаклланиши ва ижро этилиши жараёнларини ислоҳ қилиш ҳам бозор тамойилларига асосланган иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган сиёсатнинг муҳим таркибий ва ажралмас қисми сифатида қаралиши мумкин.

Ривожланишнинг нисбатан қисқа даври ичиде бюджет муносабатлари етарли даражада чукур ислоҳотлар доирасига тортилди. Бу ислоҳотларни хронологик жиҳатдан алоҳида-алоҳида босқичларга ажратиш мумкин эди. Лекин бундай босқичларга ажратиш бирмунча шартли характер касб этган бўларди. Чунки бюджет-солиқ сиёсатида юз берган миқдор ўзгаришларнинг янги сифат ўзгаришларига ўтиш даврларини вақт жиҳатдан аниқ белгилаб олиш мушқул. Шунга қарамасдан шуни дадил таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ва бюджет муносабатларини ислоҳ қилиш эволюцион йўл билан, босқичма-босқич, ижтимоий ҳаётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари билан ўзаро алоқадрликда амалга оширилмоқда. Президентимиз И.Каримов ҳам мамлакат иқтисодиётида эришилган натижалар ва “ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва

янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик маشاққатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намоёни”¹ эканлигини алоҳида эътироф этганлар.

Молия-бюджет ислоҳотларини ўтказиш жараёни, аввало, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига кўпроқ мустақиллик беришни, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда улар ролини ошириш ва шу билан бир вақтда улар молиявий базаларини мустаҳкамлаш, бутунлай янги молия-бюджет ва солиқ механизмини яратиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ва давлат бюджети ижросини таъминлашнинг услубиёти ва тамойилларини аниқлашни ўз ичига олади. Бу жараёнда бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Маълумки, «Бюджет кодекси»да “бюджетлараро муносабатлар” тушунчаси «давлат ҳокимият органлари ўртасидаги «муносабат» сифатида талқин этилган. Ушбу муносабатлар аслида «бюджет жараёнида, бюджетни шакллантириш ва ижро этиш жараёнида турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги бюджет маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар мажмуйидир. Конундаги бундай талқин давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги барча соҳалардаги ва ҳар кандай муносабатни “бюджетлараро муносабатлар” деб ҳисоблаш мумкин, деган нотўғри хулоса чиқаришга асос бўлиб қолади. Фикримизча, бюджетлараро муносабатларнинг конунда белгиланган таърифини янада аниқлаштириш, унинг илмий асосланганлигини ошириш лозим.

Бюджетлараро муносабатларнинг бирмунча тўлароқ таърифи рус иқтисодчи олимлари А.М.Бабич ва Л.Н.Павлова томонидан тайёрланган “Финансы” номли дарслигида берилган: «Бюджетлараро муносабатлар давлат ҳокимият органлари, марказий ҳокимият ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида бюджетларни тузиш ва ижро этиш ҳамда бюджет жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ҳукуқ ва мажбуриятлар, ваколатларнинг бириктирилиши ва чегараланишига оид муносабатлар мажмуйидир».

Ушбу таърифни ҳам етарлича аниқ берилган деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у мазкур муаммони ҳал этишнинг ҳукуқий асосларини кўриб чиқиш ва тайёрлаш жараёнидаги муносабатларнигина акс эттиради. Бюджетнинг ижро этилиши давомида маблағларнинг бир бюджет бўғинидан бошқасига ёки бир даражадаги бюджетлар ўртасидаги ҳақиқатдаги ҳаракати ҳақида ушбу таърифда умуман фикр билдирилмаган.

Мазкур таърифнинг бироз аниқроқ ва тўлароқ ифодаси О.Г.Бежаев ишида берилган. Хусусан:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль

бириңчидан, бу ерда бюджет жараёни боришидаги муносабатларнинг тўлиқ рўйхати келтирилганки, уларни бюджетлараро муносабатлар сифатида туркумлаш мумкин;

иккинчидан, ушбу таърифда бюджетлараро муносабатлар таркибига бир даражадаги ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатлар ҳам киритилган. Бундан ташқари мазкур таъриф қуи бюджет бўғинининг юқори бюджетга ёрдам кўрсатишига ҳам йўл қўяди. Бундай далиллар амалиётимизда кам учрасада, мамлакатимиз солиқ тизимидағи муаммолар ва бюджетни шакллантиришда иштирок этувчи корхоналарнинг амалдаги жойлаштирилишидаги муаммолар бундай ҳолатларни реал воқеликка айлантиrmокда.

Бюджетлараро муносабатлар мазмуни ва турли адабиётларда талқин этилиш даражасини таҳлил этиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкин: бюджетлараро муносабатлар содир бўлаётган бюджет тизими даражаларига кўра уларни бюджет тизими поғоналари ўртасидаги ва бир даражадаги бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларга бўлиш мумкин. Демак, “бюджетлараро муносабатлар” тушунчаси, бизнинг фикримизча, қуидагиларни ўз ичига олмоғи лозим:

- бюджет жараёнида юзага келувчи муносабатларнинг бирмунча тўлиқроқ таркибини;
- давлат ҳокимияти бошқарув органларининг ўзаро (бир даражадаги) муносабатларини;
- қуи бюджет бўғинларининг республика бюджети билан ўзаро муносабатларини;
- молиявий ёрдамнинг нафақат юқоридан қуига, балки қуи бюджетлардан юқори бюджетларга ҳам берилиш ҳолатларини ва ҳоказо.

Булардан келиб чиқиб, бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий воқелик сифатидаги табиатини таҳлил қилиш асосида қуидагиларни таъкидлаш зарур:

- бириңчидан, бюджетлараро муносабатлар - кенг қамровли бюджет сиёсатини марказий ва ҳудудий даражада амалга ошириш жараёнининг ажralmas қисмидир;
- иккинчидан, бюджетлараро муносабатлар бюджет сиёсатининг бошқа ўйналишларига нисбатан бирламчи аҳамият касб этади;
- учинчидан, бюджетлараро муносабатлар — нафақат бошқарувнинг турли даражаларидаги ҳокимият органлари ўртасидаги муносабат, балки энг аввало, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари субъектлари ўртасида марказ орқали шаклланган ва давлат ҳокимиятига унинг аниқ функцияларини ҳудудий даражада бажариш, жамият тараққиёти учун нормал шароитларни яратиш мақсадида берилган барча пул маблағларининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнидаги муносабатлардир;
- тўртинчидан, ҳудудлардан, жойлардан марказий ҳокимият (республика даражаси)га маблағлар тушиб туришининг таъминланиши ўз навбатида уларга давлат бошқаруви бўйича аниқ вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиб олиш хуқуқини ҳам беради,

бу ҳолат республика давлат ҳокимиятининг ўз ҳудудлари манфаатида ягона ва самарали бошқарувни таъминлайди. Шу билан бирга, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга маблағларни ажратилиши мамлакатни марказдан бошқаришда маҳаллий бюджетлар зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши учун дастак яратади ҳамда ҳудудларда маълум маҳаллийчилик кайфиятлари юзага келишининг объектив асосларини бартараф этади;

- бешинчидан, бюджетлараро муносабатлар - бу мутлақо тенг аҳамиятли тарзда қуидан юқорига ва юқоридан қуига ҳаракатланувчи молиявий оқимлардир. Ушбу муносабатларсиз турли даражадаги бюджетларни муваффақиятли шакллантириб бўлмас эди. Шу сабабли ушбу молиявий оқимлар маҳаллий бюджетларни шакллантирувчи таъсирчан омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, бюджетлараро муносабатларга қуидагича таъриф беришимиш мумкин: «**Бюджетлараро муносабатлар** - давлат бюджет механизмининг муҳим ажралмас элементи бўлиб, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари субъектлари ўртасида марказий бошқарувнинг марказдан туриб барча молиявий оқимларни тақсимлаш жараёнини оқилона тартибга солишни таъминлайди ва бундан ташқари, марказий ҳукуматнинг аниқ функцияларини давлат бошқарувининг турли даражаларида хуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро тақсимлаб олиш орқали бажариш учун давлат бюджетида жамланган пул маблағларининг ушбу субъектлар ўртасида қайта тақсимланишини ўз ичига оловчи муносабатлар йиғиндисидир».

Давлат бюджетининг маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуидаги тарзда қайта тақсимланади:

- умумдавлат солиқлари ва бошқа умумдавлат даромадлари бир қисмининг белгилangan тартибда ўрнатилган меъёрлар асосида турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши асосида;
- юқори бюджетлардан қуий бюджетларга бюджет субвенциялари ва дотацияларини ажратилиши асосида;
- юқори бюджет бўғинидан қуий бюджет бўғинларига, шунингдек, қуий бюджет бўғинларидан юқори бюджет бўғинларига бюджет ижроси жараёнида юзага келувчи ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларнинг йўналтирилиши асосида;
- бюджет ссудаларининг ажратилиши асосида.

Маълумки, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджет субвенциялари ва дотациялари “Бюджет кодекси”да Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилangan тартибда амалга оширилади. Бундай ажратмаларнинг микдори қуидагиларга боғлиқ:

- ҳудудларнинг молиявий ҳолатига, жумладан, уларнинг ўз даромад базаларининг мустаҳкамлигига;
- ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, экологик, демографик ва бошқа умумдавлат вазифалари ва дастурлари кўламига;
- ҳудудлар бўйича товар (иш, хизмат)лар қийматидаги фарқларга;

- ҳудудлар аҳолисининг сонига;
- ушбу ҳудудда жойлашган ва тегишли бюджетдан маблағ оловчи ташкилотларнинг бюджет ажратмаларига бўлган эҳтиёжига;
- ҳудудлар ўртасидаги молиявий номутаносибликни бартараф этиш учун ҳисобга олинадиган бошқа омилларга.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва ҳаражатларидаги касса тафовути кассадаги нақд пул айланмасига, юқори бюджетлар ссудалари ҳисобига, олдинги даврлардаги фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқариш тизимида маҳаллий бюджетлар риоя қилиши лозим бўлган чекланишлар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, маҳаллий бюджетлар бюджет қонунчилигига қўра, баланслашган даромадлар ва ҳаражатлар тизимида эга бўлишлари зарур. Маҳаллий бюджетларнинг ҳақиқатдаги тақчиллигига йўл қўйилмаслиги лозим.

Қонунга мувофиқ, маҳаллий бюджетлар учун қўйидагилар таъқиқланади:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилмаган манбалар ҳисобига ўз бюджетларини тўлдириш ёки мақсадли фонdlар ташкил этиш;
2. Бюджет ссудаларидан ташқари бошқа ҳар қандай қарз олишларни амалга ошириш;
3. Бюджет қонунчилигига кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, ўз бюджет ҳаражатларини тасдиқланган ажратмалардан ортиб кетишига йўл қўйиш;
4. Бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва васийлик хатлари бериш;
5. Юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудаларини бериш.

Мамлакат бюджет амалиёти тажрибаларини умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар тизимида бюджетлараро трансферлар тизими самарадорлигини ошириш ва маҳаллий бюджетлар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятларини ёритиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида 2008йил 1-январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг 23-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизими қўйидаги таркибга эга бўлиб, унга кейинги йилларда бир қатор ўзгартиришлар ҳам киритилган (1-чизма).

1-чизмадан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда Солиқ кодексига мувофиқ, мамлакат солиқ тизими таркибига 6 та умумдавлат (республика) солиқлари ва 6 та маҳаллий солиқлар ва йиғимлар киради.

Бюджет тизими бўғинлари даромадларини шакллантиришига қўра солиқлар умудавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Солиқларнинг бундай грухланиши ҳукумат идораларининг марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак.

Республика хукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни - мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, турли ижтимоий хизматларни молиялаштириш, фуқаролар ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам, соликлари ҳажми ҳам салмоқли бўлиши шарт. Қўшилган қиймат солиги, акциз солиги, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан, жисмоний шахслар даромадидан олинган соликлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат соликларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган соликлардан маҳаллий бюджетлар даромадлилик даражасини тартибга солиб тuriш мақсадида ажратмалар ажратилиши мумкин.

Маҳаллий соликлар маҳаллий хукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий хукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан улар ижтимоий масалаларни - маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради.

Лекин одатда бу соликлар ва йиғимлар улар бюджетлари харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий хукуматгина ўз фаолиятларини тўлиқ амалга ошириши мумкин. Маҳаллий соликларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу худуднинг бюджетига тушади. Улар ҳисобидан бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар потенциалини мустаҳкамлаш мақсадида қонуний тарзда нафақат маҳаллий солик ва тўловларнинг таркибини аниқ белгилаб қўйиши, балки республика аҳамиятидаги давлат соликларининг маҳаллий бюджетлар даромадларидағи улушлари динамикасини таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш ҳам зарурдир. Ушбу стратегик мақсадга эришиш юзасидан солик тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги икки муҳим вазифасининг бажарилишига эришиш керак:

Солик тизими жойларда маҳаллий бюджетларнинг ўз солик базаларини
такомиллаштиришни ва мустаҳкамлашни рағбатлантириши лозим;

1. Маҳаллий бюджетлар даромадлари умумий ҳажмида тартибга солувчи соликлардан тушумларни ҳам қўшганда ўз даромадлари билан таъминланиш даражаси 70% дан кам бўлмаслиги лозим.

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш юзасидан жаҳон амалиёти тасдиқлашича, маҳаллий бюджет бўғинлари ва марказий бюджет ўртасида юқори бюджетдан қуий бюджет бўғинларига турли ажратмалар қилишга хизмат қилувчи масъул давлат молияси бўғинининг (фондининг) амал қилиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсаддаги маҳсус фондларга, жумладан, Россия Федерациясида 1996 йилдан фаолият кўрсатувчи Россия Федерацияси субъектларини қўллаб-куватлаш Федерал фондини, 1996 йилдан Қозогистон Республикасида амал килаётган “Худудларни молиявий қўллаб-куватлаш Фонди”ни мисол қилиш мумкин. Бугунги кунда

бюджетлараро муносабатлар амалиёти Ўзбекистон Республикасида ҳам республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга улар потенциалини мустаҳкамлаш мақсадида трансферт тўловлари тизимини такомиллаштиришга зарурият сезилмоқда.

Шу муносабат билан республика бюджетидан ажратиладиган **трансфертлар** (молиявий ёрдамлар) миқдорини аниқлаш услубиётини қўриб чиқиши зарурияти туғилади. Шуни таъкидлаш керакки, бюджет тизимини тартибга солиш мақсадида Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган жон бошига нисбатан даромад ва харажатларни тақсимлашга асосланган ҳолда молиявий ёрдам ҳажмини аниқлаш услубиёти барча талабларга тўлиқ жавоб бермайди ва ҳудудлар маҳаллий бюджетларининг ўз-ўзини таъминлаш воситаси бўла олмайди ҳамда айрим ҳолларда мавжуд нотекис тараққиётга ғов бўла олмайди. Маҳаллий бюджетларга молиявий ёрдамни аниқлаш услубиётининг мазкур камчиликларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш учун бюджет ресурсларининг тақсимотида ҳар қайси маҳаллий бюджет субъекти ҳақиқатда эга бўлган «иктисодий потенциал қиймати» ва «ундан фойдаланиш даражаси» ҳисобга олинмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида фаол амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, мамлакат бюджет тизимида ҳам сезиларли ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади умумжамият тараққиётининг асосини давлатнинг фаол ислоҳотчилик роли ўрнига келадиган фуқаролик жамияти эгаллашига эришишдан иборат. Бюджетлараро муносабатларни маълум даражада ўзгартириш, кучли давлатчиликдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг муҳим омилларидан саналади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бундай ўтишнинг универсал модели ҳали ишлаб чиқилмаган. Бюджет тизимини ривожлантириш нуқтаи-назаридан эса, юқори бюджетдан қуий бюджетларга маблағ ажратишдаги ўзгаришлар мамлакатнинг ихтисослашув даражасига ва олдига қўйган мақсадларига мос равища амалга оширилади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи бюджет тизимини эркинлаштириш масаласининг долзарблигини оширмоқда. Мазкур вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш, кўп жиҳатдан бюджетлараро муносабатларнинг усул ва шаклларини янгича талқин этишга боғлик. Умуман, фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида бюджет тизими муаммолари икки нуқтаи назардан комплекс очиб берилиши лозим:

биринчидан, бюджет тизими бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий жиҳати ҳисобланади ва мос равища умумтизимли қонуниятлар амал қилиши нуқтаи-назаридан ўрганилиши талаб этилади.

иккинчидан, бюджет тизимининг ички қонуниятлари ўртасида боғлиқлик ҳам мавжуд.

Аксарият етакчи тадқиқотчиларнинг фикрича, давлат бошқаруви тузилмасининг кўп даражалари тизимини ташкил этишнинг асосий

муаммоси - бюджет тизими бўғинлари ўртасида харажат ваколатларини тақсимлашни амалга оширишдир. Давлат хизматларини қўрсатиш соҳасидаги сиёsat, биринчидан, турли маъмурий-худудий тузилмалар ўртасида фарқланиш мавжудлигини инобатга олиши зарур бўлса, иккинчидан, даромадларни қайта тақсимлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёsatининг мақсади – харажат ваколатларини тақсимлаш функцияларини ҳукуматнинг марказий органларига бириктириб қўйишидир.

Хусусан, замонавий иқтисодиётда макроиқтисодий сиёsatни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш функциялари максимал даражада марказлаштирилиши зарур, деган ғоя кенг таркалган. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида пул-кредит сиёsatини амалга ошириш ваколати ҳукуматнинг марказий монетар институтларига тегишли эканлиги эътироф этиш ўринли.

Жаҳон амалиётида харажат мажбуриятларини тақсимлашнинг турли моделлари ва уларни молиялаштиришнинг муносаб механизмлари қўлланилади. Бу механизмлар амал қилишини ўрганиш натижалари худудий ва маҳаллий ҳукумат органларининг мустақил даромад манбаларига эгалиги ва бюджет тизимининг юқори бўғинларидан шартсиз ва аниқ мақсадни қўзлаган ҳолда бириктирилмаган трансферларни олиш имкониятининг мавжудлиги, давлат хизматларини қўрсатишда уларнинг етарлича мустақил эканлигини қўрсатади. Аммо давлат хизматларининг шундай турлари ҳам мавжудки, улар барча мамлакатларда худудий ёки маҳаллий даражадаги ҳукуматга бириктирилган. Булар кўпчилик ҳолларда, уй-жой, майший хўжалик соҳасидаги хизмат қўрсатиш, худудни ободонлаштириш, маҳаллий жамоат транспорти, ёнғиндан ҳимоялаш, жамоат тартибини сақлаш ва бошқа турдаги хизматлардир. Бундан ташқари, давлат бошқарувининг қуий органларига қуидаги харажатларни бириктиришнинг мақсадга мувофиқлиги таъкидланади, булар: ижтимоий таъминот, таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари.

Солик ваколатлари ҳукуматнинг турли бўғинлари ўртасида тақсимланиши ҳам бюджетлараро муносабатларни ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди. Шуни таъкидлаш жоизки, даромадларнинг давлат ҳокимиятининг турли бўғинлари ўртасида тақсимланиши харажат ваколатларини номарказлаштириш тамойилидан келиб чиқади ҳамда мос равища, худудий ва маҳаллий ҳукумат органларининг функцияларини (маъмурий-худудий бирликлар аҳолисига тўғридан-тўғри давлат хизматларини қўрсатишни) кенгайтириш орқали амалга оширилади. Бунда ҳукуматнинг турли бўғинлари ўртасида солиқли даромадларнинг маълум турларини тўлиқ бириктириб қўйиш билан муаммо ҳал этилмайди. Аксарият ҳолларда, солиқли даромадларни ва солик ваколатларини бириктиришнинг турли схемалари мавжудлиги ва уни тадбиқ этиш муаммонинг ечими бўлиши мумкин.

Солик ваколатларини ҳукуматнинг марказий ва маҳаллий органлари ўртасида тақсимлаш муаммосини ҳал қилиш бўйича икки хил ёндошувни кузатиш мумкин: солик ваколатини тақсимлашнинг анъанавий моделига

кўра, маҳаллий хукумат органларининг ўз (яъни, маълум ҳудуд даражасида тартибга солинадиган) солиқ базаси, ҳудди шу анъанавий модел асосида амалга оширилиши зарур бўлган харажат мажбуриятларидан доимо кичик. Бундай номувофикалик натижасида бюджет тизимида юзага келадиган номутаносиблигни **бюджетлараро трансфертлар** ёрдамида тенглаштириш зарурияти пайдо бўлади. Анъанавий таҳлил доирасида таъкидланишича, ҳудудий даражага кўплаб солиқ ваколатларининг берилиши, ҳудудлар ўртасида ресурслар тақсимотида номутаносиблигни кучайтиради. Солиқ ваколатларини самарали тақсимлашнинг асосий мақсади ҳам бундай номутаносибликларни минималлаштириш ҳисобланади. Шунингдек, ушбу ҳолатда, бюджетлараро трансфертларни тартибга соладиган тизимга катта эътибор каратилади. Агар мамлакат бўйича солиқ базаси номутаносиб тарзда тақсимланган бўлса, унда солиққа тортиш ваколати марказий хукуматга тегишли бўлиши лозим.

Бюджетлараро муносабатларда, нафақат республика бюджетининг маҳаллий бюджетлар билан муносабатлари, балки ҳудудий бюджетларнинг ҳам маҳаллий бюджетлар билан муносабатлари ўртасида юзага чиқадиган муаммолар етарлича ўрганилмаганлиги нимоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, асосий эътиборни бюджетлараро муносабатларнинг истиқболдаги асосий анъаналарига қаратиш керак.

Бозор ислоҳотлари умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун республика миқёсидағи барча даромадларни бирлаштириш ва марказлаштириш, шунингдек уларга мос келувчи солиқ тизимини ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Давлат бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат маблағларини тузилмавий қайта қуришни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфратузилмасига мақсадли таъсир кўрсатишга йўналтиришдан иборат. Бу ерда **бюджет-солиқ сиёсати** деганда давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва давлат харажатларини рационализация қилиш учун солиқ олишни такомиллаштириш соҳасидаги сиёсати тушунилади. Айни пайтда, бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида хуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Маълумки, солиқларнинг асосий ижтимоий вазифаси - давлатнинг марказлашган молиявий ресурсларини шакллантиришдан иборат. Солиқлар давлатнинг молиявий манбай бўлганлигидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ҳам давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бу сиёсатни ишлаб чиқишининг ташкилотчиси ва ижодкори ҳам давлатdir. Бунинг учун давлат ўз қўлидаги бутун кучни, идораларни жалб қилиб, уни ишлаб чиқади.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқилаётганда мавжуд солиқларнинг ёки янгидан киритилиши мўлжалланган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти, келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи чукур ўрганилиши лозим. Айниқса, янги солиқлар жорий қилинаётганда улар илмий асосланган бўлиши, йирик

амалиётчи мутахассислар ва жамоатчилик ўртасида эркин баҳслашув асосида бир қарорга келиниши мухимдир.

“Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор шаклланишини таъминлашдан, иккинчи томондан - корхоналарни мамлакат учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат”².^{*} Бу фикрда солиқ сиёсатининг иккиёқлама характеристи яққол кўриниб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишда мунтазам равища солиқ юкини камайтириш чораларининг кенг қўлланилиши ўз натижаларини бермоқда. Айниқса, солиқлар ва тўловларни бир хиллаштиришга катта эътибор қаратилиши солиқقا тортиш механизмларининг ошкоралигига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид корхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради³.

Айни пайтда бу ҳол республикамизда қўлланиладиган солиқ тизимини халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш зарурати билан изоҳланади.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги иқтисодий тартибга солиш даражасидаги фарқлар, қўлланилаётган ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг йўналиши, муайян мамлакатларнинг геосиёсий жойлашуви ва бошқа омиллардан келиб чиқсан ҳолда, улардаги ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари даражаси ҳам бир-биридан фарқланади. Умуман солиқ юки даражаси бўйича дунё мамлакатларини 3 гурухга ажратиш мумкин:

1) солиқка тортишнинг юқори даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 40 фоизидан ортиқ (масалан, Люксембург, Франция);

2) солиқка тортишнинг ўртача даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30 фоизидан 40 фоизигача (масалан, Дания, Швеция, Австрия, Германия, Буюк Британия);

3) солиқка тортишнинг ўртачадан пастроқ даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30 фоизигача (масалан, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Корея).

Ўзбекистонда солиқ юки даражаси йилдан-йилга мунтазам равища пасайиб бормоқда. Агар 1999 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 38,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб 22,6 фоизга тушди, 2006 йилда эса ЯИМнинг 21,3 фоизини ташкил этди.⁴

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий

² И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: Ўзбекистон буюк келажак сари, 1998, 52-бет.

³ Бекмуродов А.Ш.,Faфуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2007, 13-бет

⁴ Тухлиев Б., Азизов О. Солиқ юкини камайтириш – иқтисодиётни юксалтириш омили / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 3-б.

барқарорликни таъминлашда пухта ўйланган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди.

Республикамиизда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда биринчи навбатда, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини камайтириш диққат марказда турибди. Бунинг натижасида корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар улушининг кўпайиши эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини кўпайтириб бориш ва оптималь даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида кўпроқ инвестиция киритиш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлади.

2.Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни ташкил этишининг ташкилий-хуқуқий асослари

Давлат бюджетига хос бўлган хусусиятларнинг намоён бўлиши, ундан тақсимлаш ва назорат қуроли сифатида фойдаланиш фақат инсон фаолияти жараёнидагина мумкин бўлади. Бу бюджет механизмида ўз аксини топади. бюджет механизми давлат бюджет сиёсатини амалга оширишнинг қурол ва воситалари йиғиндиси бўлиб, давлат томонидан ташкил этилади ва бюджет муносабатларини давлат олдида турган ижтимоий-иктисодий вазифаларни бажаришга йўналтиришга хизмат қиласи.

Маълумки, иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш мос хуқуқий базага таяниши лозим. Шу сабабли янги қонунлар туркумини ишлаб чиқиши зарурияти туфайли Ўзбекистонда иктисодий муносабатларни тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинди. Бундай қонунлар аввалги «марказлаштирилган режали тизим руҳи билан суғорилган», ҳаддан ташқари мафқуралаштирилган, халқаро меъёрлар ва қоидаларнинг талабларини инкор этувчи совет даври қонунларининг ўрнига келди ва ёш мустақил давлатимизнинг хуқуқий демократик йўлдан оғишмай равнақ топиши учун хизмат қила бошлади.

Шунингдек, ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари тегишли моддаларда (6-,7-,8-моддалар) белгилаб берилган. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси** бюджет тизимининг умумий бошқарувини амалга оширади, яъни:

- давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади;
- давлат бюджетининг ижросини ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;
 - давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;
 - давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдигига киритади;
 - қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари:

- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисботларни тасдиқлади;
 - маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йигимлар ва тўловлар миқдорларини ҳамда улар бўйича имтиёзларни белгилайди;
 - қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисботлар тузади;
- бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этади;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бевосита бюджет тизимини бошқаришни амалга ошириб, бюджет муноабатларини оператив бошқариш органи ҳисобланади ва Конунга мувофиқ, куйидаги ваколатларни амалга оширади:

- Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади;
- республика бюджети харажатларини амалга оширади;
- бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказади;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларни, шунингдек умуммажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларни қабул қилади;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бундан ташқари, Конунда давлат бюджетининг даромад ва харажатлари таркиби, республика ва маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари таркиби ва уларнинг бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлаш тартиблари, бюджет тақчилигини молиялаштириш манбалари, давлатнинг

бюджетдан ташқари мақсадли фондлари, уларни ташкил қилиш ва улар маблағларидан фойдаланиш тартиби кабилар Қонуннинг тегишли моддаларида белгилаб берилган.

Бюджет тизимини бошқаришда юқори ва қуи бюджетлар ўртасидаги муносабатларни ташкил қилиш ва тартибга солиш мухим аҳамиятга эга. Бу муносабатларни қонун билан тартибга солиш мақадида “Бюджет кодекси” да даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш йўллари, қайси даромадларни қайси бюджет бўғинига тушиши, қайси харажатлар қайси бюджетдан амалга оширилиши белгилаб берилди. Жумладан, Қонуннинг **21-моддасига** мувофиқ, давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуидаги йўллар билан қайта тақсимланади:

- юқори бюджетлардан қуи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари бериш;
- бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуи бюджеттага, шунингдек қуи бюджетдан юқори бюджеттага йўналтириш;
- бюджет ссудалари ажратиш.

Республика бюджетидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига қабул қилинган Давлат бюджети доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тегишли қабул қилинган бюджетлар доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтинчалик узилиш айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, юқори бюджетлардан бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айrim харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

“Бюджет кодекси”да муносабатларини тартибга солишда мухим қонуний асос бўлиб хизмат қиласи.

Маълумки, **бюджет жараёни** – давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш, ижроси юзасидан ҳисоботларни тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, бюджет тизими таркибига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун хужжатлари билан тартибга солинадиган жараёнидир. Қонунда бюджет жараёнини тартибга солиш қонун-қоидалари, бюджет лойиҳасини тайёрлаш муддатлари, унинг лойиҳасини тузувчи органларнинг вазифалари, лойиҳани кўриб чиқиш ва

тасдиқлаш тартиби, шунингдек, бюджет ижроси ва унинг ижро этилишини назорат қилиш билан боғлик масалалар ўзининг қонуний асосини топган.

Шуни таъкидлаш керакки, 2004 йил 26 августда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ЎзР Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун бюджет тизимини бошқариш, бюджет ижросини амалга оширишнинг принципиал жиҳатдан янги тизимининг шаклланишига асос солди. Қонунга мувофиқ, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварафига киритишдан, шунингдек давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат” (Қонуннинг 4-моддаси). Газначилик тизими Молия вазирлиги қошидаги Газначилик Департаменти ва унинг худудий бўлинмаларидан иборат. Газначиликнинг асосий вазифалари Қонуннинг 7-моддасида белгилаб кўйилган, улар қуидагилардан иборат:

- давлат бюджетининг касса ижросини амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- давлат бюджетида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизмат қўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларга хизмат қўрсатиш, давлат кафолатларини бажариш кабилар.

Хозирги кунда республикамиз бюджет тизимида газначилик тизимини тадбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, газначилик фаолиятини иқтисодиётга тадбиқ этиш молия тизимининг барча жабҳаларида ўзига хос ўзгаришларни тақозо этади. Бу асосан, ҳукуқий-меъёрий хужжатлар ҳолати, ташкилий-услубий ва ахборот технологиялари жараёнларини қамраб олмоғи керак.

Мазкур параграфда баён этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бюджет муносабатларини амалга оширишнинг қонуний-хукуқий асосларини қуидагилар ташкил қиласди.

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси»;
- “Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси”;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар молиявий йил учун қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар молиявий йил учун қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори;
- Бошқа қонуний-ҳукуқий хужжатлар.

Бюджет муносабатларини амалга оширишнинг ташкилий асосларини мамлакатда бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, бошқарув ва назоратини олиб боришга масъул бўлган умумдавлат ва маҳсус бошқарув ва назорат органлари ташкил этади. Уларга қўйидаги органлар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- Президент девони
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги республика

Газначилиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқалар.

Бу органларнинг бюджет муносабатларини ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилиш борасидаги, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш, бюджет жараёнини бошқариш ва тартибга солиш борасидаги вазифалари, ваколатлари, ҳукуқ ва мажбриятлари уларнинг низомларида, бошқа меъёрий-ҳукуқий хужжатларида белгилаб қўйилган. Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири эса бу органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ва бюджет муносабатларини ташкил қилишининг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг тараққиётини таъминловчи самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишдан иборат

3. Бюджетлараро муносабатлар тизимида солиқларни бюджет тизими механизми

Маълумки, маҳаллий бюджетларнинг бош бўғини – вилоятлар бюджетлари бўлиб, улар бюджет тизимида оралиқ ўринни эгаллайди, яъни бир томондан, улар мустақил бюджетлар сифатида ўз даромад манбалари ва харажат йўналишларига эга, иккинчи томондан, вилоят бюджетлари республика бюджетидан молиявий ёрдам олиб, ўзларига тегишли қўйи бюджетларга молиявий ёрдам қўрсатадилар. Бунинг сабаби шуки, мамлакатнинг барча минтақалари бир хилдаги молиявий потенциалга эга эмас, айрим вилоят, шаҳар ва туманларда ишлаб чиқариш марказлашган, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат қўрсатиш ташкилотлари юқори даражада тўпланган бўлса, бошқа бир ҳудудлар асосан қишлоқ хўжалик ерлари, яйловлар, тоғликлар билан банд, ёки асосан аҳоли яшаш пунктлари мужассамлашган. Шу сабабли барча маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатлари таркиби қонун билан аниқ белгилаб қўйилган бўлсада, бир маҳаллий бюджетнинг даромадлари таркиби ва тузилиши бошқасиникидан

фарқ қиласи. Айрим қуи бюджетлар ўз ижтимоий харажатларини молиялаштиришда тўлиқ юқори бюджетларга қарамдирлар.

Маълумки, бюджет даромадларини шакллантиришда солиқли даромадларнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикасининг унитар давлат тузуми мамлакат солиқ тизимида 2 турдаги солиқларнинг мавжудлигини белгилаб берди. Бюджет тизими бўғинлари даромадларини шакллантишига қўра солиқларнинг **умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга** бўлиниши ҳукumat идораларининг марказий ҳукumat ва маҳаллий ҳукumatларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни - мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, турли ижтимоий хизматларни молиялаштириш, фуқаролар ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам, солиқлари ҳажми ҳам салмоқли бўлиши шарт. Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. **Умумдавлат солиқларининг** муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетлар даромадлилик даражасини тартибга солиб туриш мақсадида ажратмалар ажратилиши мумкин. Умумдавлат солиқларининг айримлари (масалан, сув ресурслари учун солиқ, ер остидан фойдаланганлик солиғи, божхона божлари ва ш.к.) маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларига тўлиқ ҳажмда бириктириб қўйилади. Борди-ю, умумдавлат даромадларидан ажратмалар эвазига ҳамда бошқа умумдавлат солиқларининг тўлиқ бириктириб берилиши эвазига ҳам маҳаллий бюджетларнинг харажатлари қопланмаса, у ҳолда бюджетлараро муносабатларнинг шакллари бўлган субвенция ёки дотациялаш механизmlари қўлланилади.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукumatлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳукumatлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан улар ижтимоий масалаларни - маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин одатда бу солиқлар ва йиғимлар улар бюджетлари харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос. Маҳаллий бюджетлар даромадларини қўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукumatгина ўз фаолиятларини тўлиқ амалга ошириши мумкин. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу худуднинг бюджетига тушади.

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда асосан ўз даромадларига таяниш лозим. Лекин Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий бюджетларга тегишли солиқлар ва маҳаллий йиғимларнинг

салмоғи ўртача 35-38 фоизни ташкил қилған. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш, бюджет бўғинлари орасидаги қарама-қарши молиявий оқимларни қисқартириш ва ортиб бораётган маҳаллий бюджетлар харажатларини маблағ билан таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан сув ресурслари учун, ер остидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича тушумлар тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетларга қолдирилган.

Юқорида биз тартиба соловчи даромадларга таъриф берган эдик. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлилик даражасини тартиба солиша умумдавлат солиқлари ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Умумдавлат солиқларига қўйидагилар киради:

- Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солиқ.
- Жисмоний шахслар даромадига солиқ.
- Кўшилган қиймат солиғи.
- Акциз солиғи.
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда ўрнатиладиган меъёрлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бюджетнинг тартиба соловчи даромадларининг мавжуд бўлиши ва амал қилиши маҳаллий бюджетлар учун ниҳоятда муҳимдир.

Тартиба солинадиган солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш муаммоси билан ўтиш даври иқтисодиётига хос барча мамлакатлар дуч келадилар. Бунга сабаб, ҳозирги вақтгача тартиба солинадиган солиқлардан ажратмалар маҳаллий бюджетларнинг харажатларини молиялаш бўйича асосий манба бўлиб қолган. Жаҳон банки³ мутахассисларини баҳолашларича солиқ бўйича тушумларни тақсимлаш амалиёти бюджетлар ўртасидаги муносабатларни самарали тарзда ислоҳ қилишни қийинлашириди. Бундай ҳолат маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришни бекарорлиги ва олдиндан билиб бўлмайдиганлиги учун солиқ тузидағи йиғимларни кўпайтиришга, минтақаларда солиқ салоҳиятини кенгайтиришга бўлган қизиқишни пасайтиради.

Шунингдек, бюджет амалиётида умумдавлат аҳамиятидаги солиқлар бўйича бюджет параметрларида кўзда тутилган режаларни ортиғи билан бажарган худудларга ушбу солиқлардан тушум режаларини кейинги давр учун юқори қилиб белгилаш орқали маблағларни республика даражасида марказлаширишга эришилади, ва охир-оқибат бу маблағлар нисбатан кам бюджет таъминотига эга бўлган худудларга уларнинг даромад ва харажатларини мослаштириш мақсадларида қайта тақсимланади. Бюджет ижроси давомида бюджет кўрсаткичларига кўплаб ўзгартишларнинг киритилиши, иқтисодий салоҳияти юқори худудлардан тушган маблағларни йиғиб олиб, бошқа худудларга берилиши албатта бу худудларнинг даромадлар режаларини бажаришдаги манфаатдорлигини рағбатлантирмай

қўяди ва боқимандалик кайфиятини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, маҳаллий солиқлар энг аввало ресурсларнинг тармоқларабо тақсимланишига таъсир қилмаслиги, солиқ юкини бошқа маъмурий бирликларга юкламаслиги керак. Маҳаллий солиқлар етарлича эгилувчан ва давлат харажатлари билан прапорционал равишда ўзгариши керак, яъни бошқариш осон солиқлар бўлиши керак. Булардан ташқари марказий ҳукумат маҳаллий ҳокимият органлари устидан самарали назоратни амалга ошириши, маҳаллий ҳукумат органларини қўллаб-куватлаш мақсадида уларни бошқариб тура олиши керак. Бундай шароитларнинг бўлмаслиги бюджетлар ижроси назоратини кийинлаштиради ва коррупциянинг кучайишига сабаб бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини мустаҳкамлаш хозирги бюджет ислоҳотларининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу борада мулкни, ерни ва табиий ресурсларни солиққа тортиш асосий роль йўнайди. Кейинги самарали манба бўлиб, жисмоний шахслар даромад солиқларини узоқ муддатга маҳаллий бюджетларга бириктириб қўйиш ҳисобланади. Солиқ юкини жуда юқори кўтаришнинг иложи йўқлигини назарда тутган ҳолда, маҳаллий бюджет даромадлари таркибида солиқсиз даромадларнинг ҳам ролини оширишга эътибор қаратиш лозим.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш борасида маҳаллий ҳукуматнинг солиқ ундириш ва солиқ базаларини кенгайтиришга бўлган қизиқишлирини рағбатлантиришни ошириш, яъни ортиқча ундирилган солиқларнинг маҳаллий бюджетларга тушадиган қисмини оширишни йўлга қўйиш яхши самара беради.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР


1. Бюджет тузилмаси, бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатлар тушунчаларининг ўзаро алоқасини тушунтириб беринг.
2. Бюджет тузилишини ташкил этишга қайси омиллар таъсир кўрсатади?
3. Бюджет тузилиши моделларига тавсиф беринг.
4. Бюджет тизими тузилиши типининг қайси омилларга боғлиқлигига изоҳ беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимига тавсиф беринг.
6. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини тузиш принципларини айтинг ва уларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Ўзбекистон бюджет тизимининг хукукий базасига тавсиф беринг.
8. Ўзбекистон бюджет тизимининг даражаларига тавсиф беринг.
9. Ўзбекистон бюджет тизимининг хусусиятларини айтинг.
10. Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар бюджетлари ҳамда республика бюджетини режалаштириш босқичида бюджетлараро муносабатларнинг хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
11. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатларининг баланслилигига қандай қилиб эришилади?
12. Қайси ҳолларда ва қандай мақсадларга юқори турувчи бюджетлар куйи турувчи бюджетларга дотациялар ажратади?
13. Қайси ҳолларда ва қандай мақсадларга юқори турувчи бюджетлар куйи турувчи бюджетларга субвенциялар ажратади?
14. Қайси ҳолларда ва қандай мақсадларга юқори турувчи бюджетлар куйи турувчи бюджетларга ссудалар ажратади?
15. Ўтказиладиган даромадлар нима?
16. Ўзаро ҳисоб-китоблар қайси ҳолларда юзага келади?
17. Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларни баланслаш манбаларини айтинг.
18. Маҳаллий бюджетларга кўрсатиладиган молиявий ёрдам турларига тавсиф беринг.
19. Ўзбекистонда умумдавлат солиқларининг қайсилари тартибга солувчи солиқлар ҳисобланади?

2. ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

Бюджетлараро ўзаро муносабатлар




Давлат бюджети маблагларининг турли даражадаги бюджетлар ўртасида таксимланиши




Иқтисодиётда солиқ юки


Iqtisodiyotda soliq yuki, YalMga nisbatan %da




Корқалпоғистон Республикаси ва вилоят бюджетлари даромадлари таркибида дотацияларнинг улуши (% да)



Қорқалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят бюджетлари даромадлари таркибида субвенцияларнинг улуши (% да)




2015 йилда юқори бюджетдан субвенция олувчи туман(шаҳарлар) тўғрисида маълумот



**Махаллий буджет даромадларини шакллантиришда соликларнинг
тутган ўрни**

| Кўрсаткичлар | 2013 йил | | 2014 йил | | 2015 йил | |
|--|-------------|-------------|-------------|--------------|-------------|---------------------------|
| | млн. сўм | жами %да | млн. сўм | жами, %да | млн. сўм | жами нис- н, %да |
| Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами | 25104900,0 | 100 | 30160800,0 | 100 | 36184900,0 | 100 |
| Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солик | 342100,0 | 1,3 | 505000,0 | 1,7 | 617000,0 | 1,7 |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги | 659900,0 | 2,6 | 767800,0 | 2,5 | 743500,0 | 2,1 |
| Транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик | 582500,0 | 2,3 | 847100,0 | 2,8 | 1281700,0 | 3,5 |
| Мол-мулк солиги | 831400,0 | 3,3 | 1135000,0 | 3,8 | 1716700,0 | 4,7 |
| Ер солиги | 646300,0 | 2,6 | 665200,0 | 2,2 | 929600,0 | 2,6 |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик | 2180100,0 | 8,7 | 2595800,0 | 8,6 | 2931800,0 | 8,1 |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | 97700,0 | 0,4 | 125400,0 | 0,4 | 163700,0 | 0,5 |

2010-2014 йилларда маҳаллий бюджет ижтимоий соҳа харажатларининг умумий ижтимоий харажатлардаги улуши динамикаси, % да



3.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ

1-топширик

- 1. Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий мөҳиятини тушунтириб беринг.**
- 2. Мавзуга оид тестни ечинг**

| | | | | |
|--|---|----------------------------|--|----------------------|
| Бюджетлараро муносабатлар кўра маҳаллий бюджетларга қандай фаолиятга рухсат етилмайди? | қонун хужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга | Бюджет ссудаси жалб этишга | бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлашга | Барча жавоблар тўғри |
| Юқори бюджетдан қуий бюджеттага ёхуд Республика бюджетидан резидент юридик шахсга ёки чет ел давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ нима деб юритилади? | Бюджет ссудаси | Бюджет дотацияси | Бюджет субвенцияси | Бюджет трансферти |
| Бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилимайдиган пул маблағлари нима деб юритилади? | Бюджет трансферти | Бюджет субвенцияси | Бюджет дотацияси | Бюджет сўрови |
| Бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги талабнома нима деб юритилади? | Бюджет ссудаси | Бюджет сўрови | Бюджет дотацияси | Бюджет профицити |
| Бюджетлараро муносабатлар кўра маҳаллий бюджетларга қандай фаолиятга рухсат етилмайди? | қонун хужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга | Бюджет ссудаси жалб этишга | бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлашга | Барча жавоблар тўғри |

3. Саволга берилган жавоб асосида мавзуга оид таянч сўз ибораларни ёзинг (камидаги 10 та).
4. Шу сўзлар асосида кроссворч (сканворд, чайнворд) тузинг.
5. Қўйидаги сўзнинг таърифини келтиринг:
Бюджетлараро трансферлар –

2-топширик

- 1. Бюджетлараро солиқлар тақсимланишининг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.**
- 2. Мавзуга оид тестни ечинг**

| | | | | |
|--|--|--|--|---|
| Махаллий бюджетларнинг тартибга соловчи даромадлари нима? | Солик даромадлари ва тушумлар | Режалаштирилганга нисбатан ортиқча тушган даромадлар | Куйи бюджетларга уларнинг номутаносиблиги ни таъминлаш мақсадида ажратилган даромадлар | Бюджет ссудалари ва бюджет дотациялари |
| Махаллий бюджетнинг таркибига бевосита қайси бюджет кирмайди? | Туман бюджети | Республика бюджети | Вилоят бюджети | Шахар бюджети |
| Махаллий бюджетнинг тартибга соловчи даромадлари нима? | Куйи бюджетларга уларнинг номутаносиблиги ни таъминлаш мақсадида ажратилган даромадлар | Солик даромадлари ва тушумлар | Тўғри (бевосита) ва егри (бильвосита) солиқлар | Режалаштирилганга нисбатан ортиқча тушган даромадлар |
| Куйида келтирилган харажат гурухларидан қайси бири махаллий бюджетларнинг харажатлари ҳисобланади? | Мудофаа харажатлари | Ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари | Давлат захираларини вужудга келтириш билан боғлиқ харажатлар | Давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар |
| Таълим ташкилотларида педагогик ходимлар иш ҳакига кўшимчалар қайси кўрсаткичга нисбатан фоизларда аникланади? | Лавозим окладига нисбатан | Минимал иш ҳакига нисбатан | Қатъий суммаларга нисбатан | Белгиланган фоизларда |
| Куйидагилардан қайси бири махаллий бюджетининг даромадлари таркибига киради? | Кўшилган қиймат солиги | Мол-мулк солиги | Акциз солиги | Юридик шахслар даромад (фойда) солиги |

3. Саволга берилган жавоб асосида мавзуга оид таянч сўз ибораларни ёзинг (камидаги 10 та).
4. Шу сўзлар асосида крассворч (сканворд, чайнворд) тузинг.
5. Куйидаги сўзнинг таърифини келтиринг:
Махаллий бюджетга қўйилган чекловлар –

4.ГЛОССАРИЙ

20-мавзу. Бюджет лааро муносабатлар

Бюджет харажатлари (Budget expenditures, Бюджетные расходы) - Давлат бюджетининг харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат.

Бюджет (Budget, Бюджет) - Бюджет тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва вазифаси деганда шуни англамоғи лозимки, давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга мўлжалланган ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади.

Маҳаллий бюджет (The local budget, Местный бюджет) “Маҳаллий бюджетлар – давлат бюджетининг тегишили вилоят, туман, шаҳар пул маблағларини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади”.

Маҳаллий бюджет маҳаллий ҳукумат органларининг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиш билан бирга, ишлаб чиқариш якуний натижаларини аҳолига етказишнинг асосий йўналишини белгилаб берувчи воситадир. Маҳаллий бюджет орқали ижтимоий истеъмол фондлари аҳолининг айрим гурӯҳлари ўртасида тақсимланади.

Дотация (Dotation, Дотация) - Бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Субвенция (Subvention, Субвенция) - Муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуий турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Субсидия (Subsidy, Субсидия) - Давлат томонидан аҳоли ёки корхоналарга ўз заарларини қоплаш ёки бошқа мақсадлар учун қайтарилмаслик шарти билан берилувчи маблағ.

Бюджет даромадлари (Budget revenues, Бюджетные доходы) - Пул маблағлари фондларини шакллантириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий (молиявий) муносабатларни ўзида ифода этадиган, хокимият органларининг турли даражалари ихтиёрига келиб тушадиган, давлатнинг

функцияларини бажариш учун зарур бўлган давлатнинг марказлаштирилган молиявий ресурсларининг бир қисми бюджет даромадлари дейилади.

5.АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). – Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия” , 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Ҳайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

6. ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ